



2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шартлери тийкарында шартнама дүзиуден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиу хукукы кейинги катнасыушы (резерв) етип, "ELDAR BAYSUN" жеке исбилермен белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыушы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шартнама дүзиу мүмкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына мууапық таңлау катнасыушыларының усынысларын көрип шығыу хэм бахалау мүддети усыныслар беріу тамам болыуынан 10 (он) күнинен асып кетиуі мүмкин емеслиги мағлыұмат ушын қабыл етилсин.

4. Емлеухана бас есапшысы - А.Бекбергеновка таңлап алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информатион порталына ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) жайластырыу тапсырылсын.

5. Танлау комиссиясы хаткери З.Сейтмуратова, усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте саклануын тамийинлесин.

**Катнасыушылар**  
**Комиссия баслыгы**



А.Абдуллаев

Шымбай районы 3-санлы  
Республикалык районлар-ара  
фтизиатрия емлеуханасы бас  
шыпакери, комиссия баслыгы

**Комиссия ағзалары**



Р.Ганиева

Шымбай районы 3-санлы  
Республикалык районлар-ара  
фтизиатрия емлеуханасы бас шыпакер  
орынбасары, комиссия агзасы



А.Бекбергенов

Шымбай районы 3-санлы  
Республикалык районлар-ара  
фтизиатрия емлеуханасы бас  
есапшысы, комиссия агзасы



И.Абдинаймов

Шымбай районы 3-санлы  
Республикалык районлар-ара  
фтизиатрия емлеуханасы диета  
медбрат, комиссия агзасы



А.Сабырбаев

Шымбай районы 3-санлы  
Республикалык районлар-ара  
фтизиатрия емлеуханасы склад  
менгериушиси, комиссия агзасы



З.Сейтмуратов

Шымбай районы 3-санлы  
Республикалык районлар-ара  
фтизиатрия емлеуханасы улкен  
мийирбикеси, комиссия хаткери

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи “Чимбой тумани 3-сонли Республика туманларaro фтизиатрия шифохонаси” номидан низом асосида фаолият олиб борувчи бош шифокор А.У.Абдуллаев бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “CHIMBOY SARIMSAQ” фермер хужалиги номидан устав асосида фаолият олиб борувчи К.Бекбаев бошка томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва товарлар учун пул тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	Рис	кг	250	7 000	1 750 000
-	-	-	-	-	-
-	-	-	-	-	-
-	-	-	-	-	-
<b>Жами:</b>					<b>1 750 000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: Бир миллион етти юз эллик минг сўми ташкил қилади.

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани газначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 (ун) календар кун ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлов тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% суммаси товарни олгандан сўнг 10 (ун) календар кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги Давлат стандартига мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртмада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртмага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртмаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган буюртмага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда товарларни етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 (ун) кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартарф этиш.

3.5. Мазкур шартнома шартлари ва талаблари белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

### 3.1. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВ

3.1.1 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошка ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

3.1.10 Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши қаби ҳаракатларни амалга оширмайди.

3.1.11 Ушбу Шартнома Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асосиз устуликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг

шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

3.1.12 Агар Томонлардан бири мазкур шартномада келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш кuni ичида юборилиши керак.

3.1.13 Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асосланганлиги лозим.

3.1.14 Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадидилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

3.1.15 Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

3.1.16 Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

3.1.17 Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

##### 4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун;
- савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асосиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асосиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

##### 4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртмалари шартларининг буюртмачи буюртмаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг

50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматиининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодиёт судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодиёт судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодиёт судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра 1 (бир) ой давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

#### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

##### Етказиб берувчи

"CHIMBOY SARIMSAQ" Ф/Х

Манзил: Чимбой тумани, Таг-жап ОФЙ
Тел./факс: 91-2641122
х/в: 20208000300920429001
МФО: 00635
АТ Халк банк Чимбай филиал
СТИР (ИНН): 305729266

Раҳбар



К.Бекбаев  
(Ф.И.Ш)

Хуқуқнинг масъули:

П. Шарабаев

##### Буюртмачи

"Чимбой тумани 3-сонли Республика туманлараро  
фтизиатрия шифохонаси"

Манзил: Чимбой тумани, Ш.Рашидов кучаси 44
Тел./факс: 61-4443183, 61-4440148
Ғазна х/в: 23402000300100001010
МФО: 00014
Ғазна. СТИР (ИНН): 201122919
Ғазна. бўлимаси: Чимбой тумани
Бюдж. ташкилоти СТИР (ИНН): 207220784
ОКЭД: 86100
ш/х: 100021860352407073201054003

Бош шифокор

М.Ў.



А.У. Абдуллаев  
(Ф.И.Ш)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасида рўйхатга  
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида  
ГУВОҲНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:  
Полное наименование:

"CHIMBOY SARIMSAQ" FERMER  
XO'JALIGI

Қисқача номи:  
Краткое наименование:

"CHIMBOY SARIMSAQ" FX

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги  
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

305729266

СТИР берилган сана: 05.09.2018  
Дата присвоения ИНН:

Рўйхатга олинган ДСИ:  
Зарегистрирован в ГНИ:

Чимбой тумани

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ кўмитасининг интернетдаги расмий сайти  
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт  
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
Дата распечатки удостоверения:

23.11.2022 10:24:04